

ФАЛСАФАНИНГ ИНСОНИЯТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Ахмадова Чарос Бахтияр кизи

Абдулла Қодирий номидаги ЖДПУ ўқитувчиси

Аннотация

Фалсафанинг юзага келиши инсоннинг борлиқда табиий, ижтимоий ва маънавий муҳитда тўғри мўлжал олиш зарурати билан бевосита боғлиқдир. Бошқача айтадиган бўлсак, борлиқни билиш ҳамда ўз ҳаётини зарур тарзда ташкил этиш маълум даражада дунёқарашга эга бўлиш зарурати туфайли юзага чиқади. Фалсафа ривожланган сари унинг назарий тамонларининг юзага келиши ва ишлаб чиқилиши билан асосланиши.

Калит сўзлар: : Жамият, дунёқараш, онг, қонун, борлиқ, қарама-қаршилиқ, файласуф, ижтимоий тараққиёт.

Аннотация

Возникновение философии напрямую связано с потребностью человека в достижении верной цели в природной, социальной и духовной среде. Иными словами, познание существования и организация своей жизни необходимым образом возникает из-за потребности иметь определенное мировоззрение. По мере развития философии она обосновывается возникновением и развитием своих теоретических основ.

Ключевые слова: общество, мировоззрение, сознание, закон, бытие, противоречие, философ, общественное развитие.

Abstract

The emergence of philosophy is directly related to the need of a person to get the right goal in the natural, social and spiritual environment. In other words, knowing existence and organizing one's life in a necessary way arises due to the need to have a certain worldview. As philosophy develops, it is justified by the emergence and development of its theoretical foundations.

Key words: Society, worldview, consciousness, law, existence, contradiction, philosopher, social development.

Кўп асрлик тарихнинг шоҳидлик беришига қараганда, фалсафа, бу - маданият ва цивилизациянинг абадий йўлдошидир. Фалсафий тафаккур унга қулай шароит туғилгандагина вужудга келади. Маданият, цивилизация ва фалсафий фикр деярли бир вақтнинг ўзида, яъни бизнинг эрамыздан олдин VII-VI асрларда Қадимий Миср, Вавилония, Месопотамия, Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон ва Марказий Осиёда вужудга келди.

Фалсафанинг шаклланишида инсон зотининг жўшқин ривожини ниҳоятда муҳим сабаб, мустақкам замин бўлиб хизмат қилди, яъни ўша вақтдаги қадимий шаҳарлар, давлатларнинг тарихий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ривожланиши оқибатида туғилган муаммоларни ҳал этиш заруратини тақозо қилди.

Табиийки, бу заруратнинг амалга оширилишида ўша даврда яшаб-ижод этган, жаҳонга машҳур олим ва файласуфлардан Фалес, Анаксемен, Анаксимандр, Гераклит, Пифагор, Платон, Аристотель ва б. лар асарларининг шунингдек, «Авесто»нинг хизматлари беқиёс даражада юксак бўлди. Юнон халқининг фаҳри ва кейинчалик бутун жаҳон аҳли маданияти ҳамда цивилизациясининг бебаҳо мулкига айланган фалсафий фикрнинг вужудга келиши ва ривожланиши ана шу алломаларнинг номи ҳамда ижодий фаолиятлари билан бевосита боғлиқдир. Ибтидоий ҳолатдан цивилизацияга ўтиш Инсон ҳаётида ва жамият тараққиётида жиддий сифат ўзгаришларининг содир бўлишга олиб келди. Бу эса Инсоннинг ўзида ва жамиятда тубдан ўзгариш юзага келди, деган маънони англатарди. Деҳқончилик пайдо бўлди; бундан кўзланган асосий мақсад ерга ишлов бериб, зарур микдорда маҳсулот етиштириш эди. Шу тариқа хўжалик фаолиятини тегишли микёсда олиб бориш йўлга қўйилади. Эртанги кун ҳақида тасаввур туғилади, унинг муваффақиятли ўтиши бугунги кунга боғлиқдир. Шу билан бирга эмпирик билим, малака, ўқув, билишга интилиш, табиатдаги ҳодисаларни англаш, тушуниш, тушунтириш ва ўз меҳнати натижаларини олдиндан кўра билишга эҳтиёж тобора орта боради. Бу жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш урф-одатлар, қонунлар ҳамда дин томонидан амалга оширилади.

Фалсафа фанининг ривожланишини кузатар эканмиз, Ғарб ва Шарқ файласуфларининг фалсафий қарашлари ижтимоий тараққиётда ниҳоятда буюк бўлганлигини гувоҳи бўламиз.

Ҳуқуқни ижтимоий институт сифатида асло идеаллаштирмаган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, у аслида жамиятнинг бирлиги, барқарорлигини, ижтимоий-сиёсий тартибот, одамларнинг оқилона хулқ-атворини таъминламоғи, мавжуд ихтилофларини бартараф қилиши лозим эди. Бунга эришишда қадимги юнон файласуфлари қарашларининг аҳамияти анча салмоқли бўлди. Улар Милет мактабидан бошлаб, табиий қонунларнинг зарурлигини англаб етадилар; негаки бу қонунлар мувозанатни қарор топтиради; улар унинг одиллик билан боғлиқлигини таъминлаш зарурлигини илгари сурадилар. Мифология ва дин одамларнинг хулқ-атвори ҳамда онгига, шу жумладан фалсафий фикрга ҳам ўз таъсирини сақлаб қолганди. Бу, хусусан, бизнинг эрамызгача икки минг йил олдинги Қадимий Ҳинд адабий ёдгорлиги “Ригведа”га, бизнинг эрамыздан олдинги XII-VI асрлардаги Хитой “Ўзгаришлар китоби”га, бизнинг эрамыздан

олдинги VI асрдаги буюк эпос «Авесто»га ҳам тааллуқли эди. Энг муҳими шундан иборатки, Қадимий юнон файласуфлари онгни қайтарилиши мумкин бўлмаган куч, деб ҳисоблашган, меъёридаги хулқ атвор Инсон ва жамият мавжудлигининг асоси, деб таъкидлашган.

Билиш жараёнининг кенг қамровлиги, манфаатлар доирасининг кенглиги, ақлнинг кўп қирралиги ва кўп нарсаларни билишга интилиш, ҳаётда эзгулик ҳамда гўзалликни қарор топтиришга чанқоқлик юнон мутафаккирларига фалсафа ўрганадиган муаммолар доирасини, унинг мавзуи, тузилиши вазифаси, ўрни инсон ҳамда жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини илк бор белгилаш имконини берди. Сукрот, Платон ва Аристотелнинг фалсафани таракқий эттиришдаги буюк хизматларини алоҳида таъкидлаш билан бир қаторда, уларнинг ўтмишдошлари кўшган улушни баҳоламасликнинг ҳам иложи йўқ. Шунингдек, жаҳондаги кўпчилик кейинги файласуф-авлодларнинг бу соҳадаги хизматларини ҳам тан олмаслик тўғри бўлмайди, албатта. Негаки, ворислик қонунисиз таракқийётга, жумладан фан, фалсафа, маданият ва цивилизация ривожига эришиб бўлмайди. Машхур драматурглар Эсхил, Софокл, Еврипид асарларисиз комик Аристофан, скульптор Фидей ижодисиз юнон ва жаҳон олтин фондини тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг ўлмас асарлари жаҳон санъати таракқийётида юксак чўққи ҳисобланади.

Фалсафа Инсон зоти ва жамиятни билишнинг махсус, оқилона, мантиқий усули, борлик, космос, табиат тузилиши, Инсон ҳақида, унинг борликдаги ўрни ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқа сифатида шаклланади. Фалсафий фикрнинг ривожини ташқи муҳит - табиат, ижтимоий, маънавий, эзгулик, яхшилик ва ёмонлик, гўзалик ва бадбашаралик, мантиқийлик ва иррационаллик ҳақидаги тасаввур ҳамда билим унинг бевосита таъсири оқибатида юзага келади.

Шаклланиш босқичидаёқ фалсафа жамиятнинг ушбу ташкилий шаклида Инсон қандай яшаши керак, деган мавзуни ўзининг ўрганиш объекти сифатида танлаш билангина чекланиб қолмайди, балки Инсоннинг қандай яшаши кераклиги ақл, эзгулик ва одиллик меъзонига кўра ҳаётнинг қандай ташкил қилиниши лозимлигини ҳам тадқиқ этади. Фалсафа Инсон ҳаётининг йўлдоши, унинг ҳамроҳи ва ёрдамчиси сифатида шаклланади, яъни Инсонга нафақат йўлдошлик қилади, уни ҳаётга бошлаб ҳам боради, далил-исботлар билан асослаган ҳолда, Инсоннинг ҳаётдан кўзланган мақсади нимадан иборат эканлигини ва ниҳоят, унинг ўзи қандай ишларни руёбга чиқариши лозимлигини тан олдиради. Фалсафа Инсонга катта таъсир кўрсатади, Инсон ва борлиқнинг ўзаро ҳамкорлик қилишига фаол кўмаклашади. Бу ҳамкорликни уларнинг такомиллашиши жараёнидаги бош омил - асос сифатида талқин этади. Фалсафа, бу - ўзликни англашнинг яккаю-ягона усули, бусиз Инсон ўз такомилга эриша олмайди, демакки, жамият ривожини ва ижтимоий таракқийётга эришиб бўлмайди.

Фалсафанинг ҳамма босқичларида - қарор топишидан бошлаб то бизнинг кунларимизгача тўла қимматли бойликларнинг ўзига хос яқуни - синтези ҳисобланади. Аини паллада фалсафанинг ўзи ҳам миллий ва умуминсоний маданий бойликлар жумласига киради.

Фалсафа ҳақиқатга ва унинг асосида фикрлаш ҳамда фаолият тамойилларини танлашга ҳаракат қилади. Худди мана шу нуқтаи назардан қараганда билим олиш, истеъдот, эҳтиёж, ўқув, қизиқиш, кўникмани шакллантириш, ҳақиқат - объектив ва субъектив борлиқда юз берадиган тасаввурлар, ҳис-туйғулар, безовталиқ-лар, мулоҳазалардан иборатдир. Мана шуларнинг ҳаммаси фалсафий муаммоларнинг умумий характерга эга эканлигини ва фалсафа - ҳаётнинг ва ижтимоий тараққиётнинг жамики жабҳаларида қўлланадиган фикрлаш ва ҳаракат қилиш меъзонларини ишлаб чиқади ва қўллади, дейишга асос беради.

Демак, фалсафа – ҳаётни, ижтимоий тараққиётни чуқур фалсафий таҳлил қилиш, танқидий мушоҳада қилиш, уни борлиқни ва инсоннинг ўзини билиш зарурати оқибатида вужудга келади. Фалсафа - эзгулик ва инсон бахтининг юзага чиқишига кўмаклашувчи ижобий ва уларнинг амалга ошишига тўсқинлик қиладиган салбий нарсаларни бартараф этишга етаклайди. Худди шу маънода мана бундай саволларга жавоб қидирилади: «Яхшилик нимадан иборат?», «Нимани ёмонлик, деса бўлади?», «Бахт ўзи нима?».

Фалсафанинг инсон турмушига алоқадорлиги унинг маданият, илм, халқ, миллат, маънавият, ахлоқ, ҳуқуқ, эстетика билан боғлиқлигини англатади, сабаби фалсафа дастлабки пайтдан бошлабқ кўнгил хотиржамлигини, табиат ва жамият билан уйғунликка, фаровонлик ва бахтга эришишни таъминлаш мақсадида турмуш тарзини ташкил этишга йўналтирилган. Худди мана шу ўринда илмий ва эмпирик билимлар, эстетик қарашлар ва меъёрлар, қоида ва эътиқод инсон ҳаёти ва жамият тараққиётини фалсафий нуқтаи назардан мушоҳада этишда унинг асл моҳияти намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. «Ношир» нашриёти. -Т. :2008.
2. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. «Фалафа ва ҳуқуқ» нашриёти. -Т. :2007.
3. Введение в философии. В 2. ч. Ч. 1. – М. : Политиздат, 1989.
4. Ғарб фалсафаси (қ. Назаров ва бошқалар). - Т. :Шарқ, 2004.
5. Гобозов И. А. Философия истории. - М. :1997.
6. Ивин А. А. Введение в философию истории. - М. :1997
7. Йўлдошев С. , Усмонов М. , Каримов Р. ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. – Т. : “Шарқ”, 2002.
8. Ницше Ф. «Зардушт таваллоси». Тарж. Иброҳим Ғофуров. «Янги аср алоди» нашриёти. -Т. :2007.